

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди:

№ БД – 5111400 – 3.09

2016 йил “28” 08



Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги

2016 йил “25” 08

ТИЛШУНОСЛИК
ФАН ДАСТУРИ

Билим соҳаси: 100 000 – Гуманитар соҳа

Таълим соҳаси: 110 000 – Педагогика
120 000 – Гуманитар фанлар

Таълим йўналишлари: 5111400 – Хорижий тил ва адабиёти
(тиллар бўйича)
5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш
(роман-герман филологияси)
5120200 – Таржима назарияси ва амалиёти
(роман-герман тиллари)

Тошкент – 2016

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил “25” августдаги “355”-сонли буйруғининг 2-илоvasи билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг 2016 йил “8” августдаги 3-сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетидан ишлаб чиқилди.

Тузувчилар:

- Маджидова Р.У. – ЎзДЖТУ, “Умумий тилшунослик” кафедраси мудири, ф.ф.н., доцент.
- Султонова Ш.М. – ЎзДЖТУ, “Умумий тилшунослик” кафедраси катта ўқитувчиси.

Такризчилар:

- Муҳамедова С.Х. – Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат Ўзбек тили ва адабиёти университети профессори, ф.ф.д.
- Маматов А.Э – ЎзДЖТУ профессори, ф.ф.д.

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Илмий кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2016 йил “8” июлдаги 11 - сонли баённома).

Фаннинг долзарблиги

Хорижий тиллар бўйича етук мутахассисларни тайёрлашда талабаларни тилнинг назарий масалалари билан таништириш муҳим аҳамият касб этади, зеро филолог-мутахассис ва тил таълими ўқитувчиси тилшунослик фанининг назарий асослари билан таниш бўлиши, тил илмининг қонун-қоидаларини умумлаштира олиши керак бўлади. Шундан келиб чиқиб, “Тилшунослик” фани бўйича тузилган ушбу дастур “Таълим тўғрисида” ги Қонун ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1875-сонли қарорида белгиланган вазифаларни ҳисобга олган ҳолда тузилган бўлиб, “Тилшуносликка кириш” ва “Умумий тилшунослик” курсларини ўз ичига олади.

Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвийлиги

Тилшунослик фани умумқасбий фанлар блокига киритилган курс ҳисобланиб, икки қисмни ўз ичига олади: “Тилшуносликка кириш” курси 1-босқичда, “Умумий тилшунослик” курси эса тил назарияси ҳақидаги билимларнинг яқунловчи қисми сифатида битирувчи босқич талабаларига ўтилади. Дастур бўйича ўтиладиган “Тилшуносликка кириш” курсида талабалар ўз мутахассислиги бўйича бошланғич билим олиш билан бирга келгусида ўтиладиган назарий ва амалий фанлар билан боғлиқ тушунча ва терминлар билан танишадилар. Ушбу фанни ўзлаштириш ўқув режасидаги фонетика, грамматика, лексикология, стилистика ва типология фанларини ўрганишга талабани бевосита тайёрлайди. “Умумий тилшунослик” курси эса битирувчи талабаларнинг назарий билимларини мустаҳкамлаш баробарида бўлажак мутахассисларни касбий фаолиятга тайёрловчи мактаб вазифасини ўтайди.

Фаннинг илм-фан ва ишлаб чиқаришдаги ўрни

Тилшунослик фани ишлаб чиқариш жараёни билан бевосита боғланмаган. Ушбу фаннинг ўқитилиши бўлажак филологлар ва педагоглар учун жуда муҳимдир. Олинган билимлар илмий изланишлар жараёнида, педагогик амалиётда, санъат ва адабиётда, шунингдек, бошқа соҳаларда ҳам кенг фойдаланилади, қолаверса, ёшларнинг дунёқарашини бойитиб, комилликка етишиши ва жамиятда ўз ўрнини топишида хизмат қилади.

Фанни ўқитишдаги замонавий ахборот ва педагогик технологиялар ҳамда ўқув машғулотларини лойиҳалаш

Талаба “Тилшунослик” фанини ўзлаштиришда таълимнинг инновацион усулларида фойдаланиши, янги педагогик, ахборот ва интернет технологияларини татбиқ қилиши муҳим аҳамият касб этади. Фанни ўзлаштиришда ўқув-услубий таъминот (дарслик, ўқув ва услубий кўлланмалар, модуль топшириқлари)дан фойдаланиш тавсия этилади. Маъруза ва семинар машғулотларида ўқитишнинг турли интерактив усуллари, хусусан, ақлий ҳужум, кластер, инсерт, амалий иш ва дидактик ўйинлар, портфолио, кейс-стади, икки томонлама таҳлил кабилардан фойдаланиш мумкин.

Фан модулининг дастури (module syllabus)

Ўқув курсининг тўлиқ номи:	Тилшунослик		
Курснинг қисқача номи:	Т	Код: Т	
Кафедра:	Умумий тилшунослик		
Ўқитувчи ҳақида маълумот:	Султонова Шохиста Муҳаммаджановна	ms.sultana74@mail.ru	
Семестр ва ўқув курсининг давомийлиги	2 ва 8-семестрлар, 30 ҳафта		
Ўқув соатлари ҳажми:	жами:	112	
	шунингдек:		
	маъруза	34	
	семинар	38	
	амалий мустақил таълим	40	
Ўқув курсининг статуси	Умумқасбий фанлар блоки		
Дастлабки тайёргарлик:	Курс филологик фанлардан ўзлаштирилган билимларга асосланади.		
<p>Фаннинг предмети ва мазмуни – талабаларга лингвистик билимларнинг назарий асосларини, тилшуносликнинг асосий тушунчалари ва категорияларини, тилга оид қонуниятлар ва тамойилларни ўргатиш ҳамда уларни амалда татбиқ этиш кўникмасини ҳосил қилишнинг назарий ва амалий томонларини ўрганишга йўналтирилган.</p>			
<p>Фанни ўқитишдан мақсад – талабаларга лингвистик билимларнинг назарий асосларини, тилшуносликнинг асосий тушунчалари ва категорияларини, тилга оид қонуниятлар ва тамойилларни ўргатиш ҳамда уларни амалда татбиқ этиш кўникмасини ҳосил қилиш.</p>			
<p>Фаннинг вазифаси – талабаларни тилга оид назарий билимлар, лингвистик мушоҳада қилиш усуллари билан қуроллантириш; лингвистик ҳодиса ва жараёнлар мазмунини мантиқий мушоҳада қилиш учун зарур бўлган услубий ёндашувларни эгаллашига кўмаклашиш; улар онгига миллий истиқлол ғоясини ва миллий мафқуранинг асосий қоидаларини сингдириш; ҳозирги замон тилшунослиги масалаларини таҳлил қилиш бўйича амалий кўникмаларни ҳосил қилиш.</p>			

“Тилшунослик” ўқув фанини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида талаба:

– лингвистик билим асослари; тилшунослик тарихи; тил назарияси тўғрисида *тасаввурга эга бўлиши*;

– тилнинг пайдо бўлиши ҳақидаги фаразлар, тил сатҳлари ва тилшунослик бўлимлари, дунё тиллари ва уларнинг таснифи, тилшунослик тарихи ва тилшунос олимлар, тилшунослик методлари, тилшуносликнинг замонавий йўналишларини *билиши*;

– чет тили ўрганиш амалиётида назарий билимларни қўллаш, тилшунослик бўйича илмий изланишларга касбий жиҳатидан қараш, дунё тилшунослигида рўй бераётган жараёнларни ўзаро боғлиқлик нуқтаи-назаридан таҳлил қилиш, тиллардаги умумий ва хусусий белгилар ҳақидаги тушунчаларни амалиётда қўллаш *қўникмасига эга бўлиши*;

– тилшунослик ва тилшунослик тарихи тўғрисида кенг билимни эгаллаш олиш, Ўзбекистон ва хорижий давлатларда нашр қилинган илмий адабиётлар билан ишлаш, ўрганилаётган чет тилидан она тилиси хусусиятларини ажрата олиш, тилшунос олимлар таълимотларини таҳлил қила олиш, турли тилларни оила ва гуруҳларга таснифлай олиш, замонавий тилшунослик масалаларини тушуна олиш *малакасига эга бўлиши*.

Курснинг тематик таркиби ва мазмуни

Т/р	Мавзу	Маъруза	Амалий (семинар)	Мустақил иш
1.	Тилшуносликнинг ўрганиш объекти. Тилларнинг шаклланиши ва ривожланиши.	2	2	2
2.	Тил сатҳлари. Фонетика ва фонология. Фонема ва унинг вариантлари. Орфоэпия ва нутқ товушлари таснифи.	2	4	4
3.	Лексикология ва унинг бўлимлари. Сўз ва лексема. Сўзларнинг маъно ва шакл муносабатига кўра турлари.	2	2	4
4.	Грамматика. Тилнинг грамматик тузилиши. Грамматик маъно, грамматик категориялар ва грамматик воситалар. Морфология ва морфемика.	2	2	4
	Жорий назорат (ЖН)			
5.	Синтаксис. Синтактик алоқалар ва тилнинг синтактик бирликлари. Гапнинг актуал бўлиниши. Гап бўлаклари ва уларнинг ифодаланиши.	2	2	2
6.	Ёзув ва унинг ривожланиш босқичлари. Ёзувнинг махсус турлари. Орфография ва ёзув тамойиллари	2	2	2
7.	Тилларни таснифлаш. Тилларнинг функционал, ареал ва типологик таснифи.	2	2	2
	Оралик назорат (ОН)			
8.	Тилларнинг генеалогик таснифи. Тил оилалари.	2	2	2
9.	Тилларнинг ўзаро алоқалари ва ривожланиш қонуниятлари.	2	2	2
10.	Тил ва тафаккур. Тил ва жамият.	2	2	2
11.	Тилшунослик фанининг шаклланиш тарихи.	2	2	2

	Қадимги ҳинд, хитой ва рим тилшунослиги. Ўрта осиеда тилшуносликнинг ривожланиши.			
12.	Ўрта асрлар ва уйғониш даври тилшунослиги. XVII – XIX аср тилшунослиги. Умумий рационал грамматика. Қиёсий-тарихий тилшунослик.	2	2	2
13.	В. Гумбольдт таълимоти. Тилшуносликдаги бошқа йўналишлар ва мактаблар.	2	2	2
14.	XXаср тилшунослиги. Ф. Соссюрнинг лингвистик назарияси. Структурализм йўналишлари.	2	2	2
	Оралик назорат (ОН)			
15.	Тил система ва структура сифатида. Тил системасининг иерархик тузилиши. Тил сатҳлари ўртасидаги изоморфлик.	2	4	2
	Жорий назорат (ЖН)			
16.	Лингвистик тадқиқот методлари	2	2	2
17.	Лингвистиканинг бошқа фанлар билан муносабати. Тилшуносликнинг замонавий йўналишлари	2	2	2
	Якуний назорат (ЯН)			
	Жами	34	38	40
Таълим бериш ва ўқитиш услуби:	Маъруза, амалий машғулотлар, мустақил ишлар (айлана стол, кейс стади, мастер-класслар)			
Мустақил ишлар:	Ўқув лойиҳалар, гуруҳли тақдимот, рефератлар, кейслар, маърузалар, кроссвордлар ва ҳ.к.			
Маслаҳатлар ва топшириқларни топшириш вақти	Кунлар	Вақти	Ауд.	
1.				
2.				
3.				
Билимларни баҳолаш усуллари, мезонлари ва тартиби:				
ЖН ва ОН нинг баллари ишчи дастурда бериледи				
Баҳолаш усуллари	Тестлар, ёзма ишлар, оғзаки сўров, тақдимотлар ва ҳ.к.			
Фан бўйича талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш	Назорат шакллари			
	Баҳолаш турлари фан хусусиятидан келиб чиққан ҳолда сўровлар, оғзаки савол-жавоб, ёзма иш, тест синовлари ёки бошқа кўринишда ўтказилиши мумкин.			
	Фан бўйича талабалар билимини баҳолаш мезони			
	Балл	Талабаларнинг билим даражаси		

	86-100 балл	- тилшунослик фани бўйича тўпланган билимлар асосида хулоса билдириш ва қарор қабул қилиш, ижодий фикрлаш ва фикрларини эркин баён қила олиш; - тилшуносликка оид илмий терминларни тушуниш ва амалда қўллай олиш; - фан бўйича берилган топшириқларнинг моҳиятини тушуниш, билиш ва мантиқан тўғри жавоб бериш; - интернет материалларидан тўғри ва унумли фойдаланиш, уларни таҳлил қила олиш
	71-85 балл	- тилшунослик фани бўйича мавзуларни тушуниш, мустақил мушоҳада юритиш; - тилшунослик терминлари, ходисаларини билиш ва амалда қўллай олиш; - фан бўйича берилган топшириқларни тушуниш ва жавоб бериш; - ўрганилаётган назарий билимларни амалиёт билан боғлай олиш ва мустақил мушоҳада қилиш
	55-70 балл	- тилшунослик фани бўйича мавзулар моҳиятини тушуниш; - мавзу мазмуни ҳақида тасаввурга эга бўлиш ва гапириб бериш
	0-54 балл	- мавзулар бўйича аниқ тасаввурга эга бўлмаслик, саволларга жавоб бера олмаслик, топшириқларни бажармаслик
Фанга доир видео маърузалар, видео роликлар:		
Глоссарийлар:		
Ахборот ресурс база:		

АСОСИЙ ҚИСМ

Фаннинг назарий машғулотлари мазмуни

1-модуль. “Тилшунослик” фанининг мазмуни, предмети ва методи

Тилшунослик фан сифатида. Назарий тилшунослик. Амалий тилшунослик. Тилшуносликнинг бошқа фанлар билан алоқаси.

2-модуль. Тил – асосий алоқа воситаси

Вербал ва новербал мулоқот. Тил табиати. Тил моҳияти. Тилнинг вазифаси. Тил ва нутқ.

3-модуль. Тил ва тафаккур

Тил ва тафаккур муносабати. Тил ва тафаккур лингвистик муаммо

сифатида. Тил тафаккур қуроли ва воситаси. Психоллингвистика.

4-модуль. Тил ва жамият

Тил ва ижтимоий тафаккур. Тил ва маданият. В. фон Гумбольдт ва лингвомаданиятшунослик. Сепир-Уорфнинг лингвистик нисбийлик назарияси. Тилнинг ижтимоий табақаланиши. Социоллингвистика. Билингвизм ва диглоссия.

5-модуль. Тилнинг келиб чиқиши ва ривожланиши

Тилнинг келиб чиқиши ҳақидаги фаразлар. Кишилик жамияти ва тил ҳақидаги назариялар. Антропологик ва археологик далиллар.

6-модуль. Фонетика

Фонема тушунчаси ва унинг товушдан фарқи. Нутқ товушлари тилнинг табиий материали сифатида. Нутқ товушларининг акустикаси ва артикуляцияси. Нутқ товушларининг таснифи. Вокализм ва консонантизм. Унли товушларнинг таснифи. Нутқнинг фонетик бўлиниши: жумла (фраза), такт, бўғин, товуш. Сегмент ва суперсегмент элементлар. Энклитика ва энклиза ҳодисаси. Проклитика ва проклиза ҳодисаси. Бўғин ва унинг турлари. Интонациянинг вазифаси. Урғу ва унинг турлари. Нутқ товушларининг ўзгариши. Редукция. Нутқ товушларининг позиция ва комбинатор ўзгаришлари. Болалар фонологияси. Фонетик муҳит. Умумий фонетик назария.

7-модуль. Лексикология

Сўз лексикологиянинг ўрганиш объекти сифатида. Сўз ва лексема. Лексема концепти. Концептосфера иерархияси. Лексеманинг структураси. Лексик маъно ва унинг турлари. Лексик маънонинг кенгайиши ва торайиши. Сўзларнинг маъно муносабатига кўра турлари. Кўп маънолилик. Метафора. Метонимия. Синекдоха. Лексик диффузиялар. Омонимия. Синонимлар. Антонимлар. Табу ва эвфемизмлар. Этимология ва “халқ” этимологияси. Сўз яшаш. Терминология. Идиомалар. Фразеология. Ментал лексика. Тилнинг луғат таркиби. Лексикография. Луғатлар ва прототиплар. Болалар нутқидаги илк сўзлар ва уларнинг семантик хусусиятлари. Ақлий лексика. Ақлий лексикадаги сўзлар тақдими. Лексик хатоликлар. Афазия жараёнида морфемалар. Лексиканинг услубий сатҳлари. Сўзнинг янги маънога эга бўлиши. Маънонинг формал коди.

8-модуль. Грамматика

Грамматика. Морфология. Морфема ва унинг турлари. Морфема концепти. Тилнинг грамматик усуллари. Аффиксация. Агглютинация ва

фузия. Сўзнинг морфологик ва этимологик таркиби. Товуш алмашишлари ва ички флексия. Такрор (редупликация). Сўз кўшилиши. Гапда сўз тартиби. Урғу кўчириш. Ёрдамчи сўзлар. Оҳанг. Супплетивизм. Тилларнинг синтетик ва аналитик қурилиши. Грамматик категориялар. Яширин категориялар. Аралаш категориялар. Сўз туркумлари. Синтаксис. Тилнинг синтактик бирликлари. Содда гап таркибида синтагмалар. Гап. Гап турлари. Гап бўлаклари. Сўз бирикмалари ва уларнинг боғланиш усуллари. Гапнинг актуал бўлиниши. Мураккаб гап таркибий қисмларининг вазифалари. Аграмматизм. Тилнинг ривожланиш тарихида грамматиканинг ўзгариши. Синтактик инверсия ва унинг тил тарихидаги дастлабки турлари. Болалар гапларининг хусусиятлари. Гапнинг қайта ишланиши.

9-модуль. Ёзув

Ёзув ҳақида умумий тушунча. Ёзувнинг ривожланиш босқичлари. Алфавит. Графика. Орфография. Ёзувнинг махсус турлари.

10-модуль. Тилларнинг ўзаро алоқалари ва ривожланиш қонуниятлари

Лисоний табақаланиш ва қариндош тилларнинг ташкил топиши. Элатлар тили. Миллий тилларнинг ривожланиши. Тилнинг ички ва ташқи қонуниятлари.

11-модуль. Адабий тиллар

Адабий тил - тил мавжудлигининг олий кўриниши. Адабий тилларнинг типологик фарқланиши. Адабий тилнинг миллий-тарихий омиллари.

12-модуль. Тиллар таснифи

Дунё тиллари. Тиллар таснифи. Тилларнинг генеалогик таснифи. Тилшуносликда қиёсий-тарихий метод. Тилларнинг типологик (морфологик) таснифи. Ареал тасниф. Тилларнинг ҳудудий бўлиниши. Билингвизм. Интерференция ҳодисаси. Функционал тасниф. Халқаро тиллар. Карсоқовлар тили. Ўлиб бораётган тиллар ва шеваларни сақлаб қолиш масаласи.

13-модуль. Тил – белгилар системаси

Белги ва белгилар системаси тушунчаси. Семиотика. Тилда “система” ва “структура” тушунчалари. Белгилар системасининг турлари.

14-модуль. Тил сатҳлари ва унинг бирликлари

Тил сатҳлари. Фонологик сатҳ. Морфемик сатҳ. Сўз ясалиши. Лексик сатҳ. Морфологик сатҳ. Синтактик сатҳ. Гап.

15-модуль. Лингвистик тадқиқот методлари

Тасвирий метод. Қиёсий-тарихий метод. Чоғиштириш методи. Дистрибутив таҳлил методи. Бевосита иштирокчиларга ажратиш методи. Трансформацион таҳлил методи. Оппозиция методи. Компонент таҳлил методи. Стилистик таҳлил методи. Статистик метод. Автоматик таҳлил методи. Типологик таҳлил методи.

Тилшунослик тарихи

Қадимги ҳинд тилшунослиги. Панини грамматикаси. Қадимги Греция ва Рим тилшунослиги. Платон. Аристотель грамматикаси. Стоиклар таълимоти (эрамиздан олдинги III-I асрлар). Фалсафий ва грамматик даврлар. Александрия мактаби. Қадимги Рим тилшунослиги. Ўрта асрларда Европа тилшунослиги (476-1492). Араб тилшунослиги. Европада уйғониш даври тилшунослиги (XV-XVIII асрлар). Умумий рационал грамматика (Пор-Рояль). Славян мамлакатларида тилшунослик. XIX аср рус тилшунослиги Ф.И. Буслаев, А.А. Потебня. Қиёсий-тарихий тилшунослик. Компаративистика даврлари. В. фон Гумбольдтнинг тарихий-фалсафий концепцияси. Тил антиномиялари. Тил фаолият сифатида. Тил – халқ руҳи. Тилларнинг ривожланиш босқичлари. “Ёш грамматикачилар” мактаби. Лейпциг тўғараги. Москва мактаби. Қозон мактаби. Ф. де Соссюр лингвистик назарияси. Франц Боас, Леонард Блумфильд. Структурализм. Прага лингвистик мактаби. Дания структурализми (глоссематика). Америка структурализми (дескриптив лингвистика). Ноам Хомский лингвистик назарияси. Шўро даври тилшунослиги.

16-модуль. Ҳозирги замон тилшунослиги

XX аср тилшунослигининг етакчи йўналишлари. Генератив тилшунослик. Когнитив тилшунослик. Лингвистик фалсафа. Прагмалингвистика. Матн лингвистикаси. Психолингвистика. Этнолингвистика. Типологик лингвистика. Лингвомаданиятшунослик. Компьютер лингвистикаси. Онтолингвистика. Зоолингвистика. Биолингвистика. Менталингвистика. Социолингвистика (микросоциолингвистика ва макросоциолингвистика). Лингвопоэтика. Математик лингвистика. Коммуникатив тилшунослик. Нейролингвистика. Клиник лингвистика. Таълим лингвистикаси. Паралингвистика. Антропололингвистика. Гендер тилшунослик. Замонавий тилшуносликнинг долзарб масалалари. Лингвистиканинг бошқа соҳаларга қўшган хиссаси. Генератив грамматика.

Семинар машғулотлари

Семинар машғулотларини ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Семинар машғулотларини ўтказишда қуйидаги тамойилларга амал қилинади:

- семинар машғулотларининг мақсадини аниқ белгилаб олиш;
- ўқитувчининг инновацион педагогик фаолияти бўйича билимларни чуқурлаштириш имкониятларига талабаларда қизиқиш уйғотиш;
- талабада натижани мустақил равишда қўлга киритиш имкониятини таъминлаш;
- талабани назарий-методик жиҳатдан тайёрлаш;
- семинар машғулотлари нафақат аниқ мавзу бўйича билимларни яқунлаш, балки талабаларни тарбиялаш манбаи ҳамдир;
- талабани мустақил фикрлашга ва фикрни изчил ҳамда равишда ифода қилишга ўргатиш.

Семинар машғулотларининг тахминий рўйхати

- Тилшунослик фани ҳақида мулоқот юритиш. Назарий ва амалий тилшунослик муаммоларини ўрганиш.
- Тилшуносликни замонавий йўналишлари билан биргаликда лингвистика ва бошқа фанлар синтезида дунёга келган фанларнинг вазифасини ўрганиш.
- Вербал ва новербал мулоқот воситаларини фарқлаш. Тил моҳияти ва вазифасини ўрганиш. Тил ва нутқ муносабатини изоҳлаш.
- Тил ва тафаккур муносабатини тавсифлаш. Психолингвистика муаммоларини ечимини топиш.
- Тилнинг келиб чиқиши тарихи ва гипотезалари ҳақида маълумот тўплаш.
- Ёзув тарихи шажарасини тузиш. Ёзувнинг ривожланиш босқичларини жадвал асосида ўрганиш. Дунё тиллари алфавитининг системасини тузиш. График ва орфографик қонун-қоидалар билан танишиш. Ёзувнинг махсус турларига мисоллар келтириш.
- Лисоний табақаланиш муаммоларининг ечимини топиш. Қариндош тилларнинг ташкил топишини аниқлаш методлари билан танишиш.
- Элат ва миллат тиллари шажарасини яратиш. Тилнинг ички ва ташқи қонунларини ажратиш ўрганиш.
- Адабий тил меъёрлари тартибини ўрганиш. Адабий тилларни типологик фарқлаш харитасини тузиш.
- Тилларнинг генеалогик таснифининг илк ғоялари билан танишиш. Дунё тилларнинг генеалогик шажарасини таҳлил қилиш. Морфологик

тасниф асосида машқлар бажариш. Тилларни ҳудудий ва функционал типология асосида жадвалга жойлаштириш.

- Тилдаги белгиларини бир бирига қиёслаш. Семиотика фани вазифасини ўрганиш. Белгилар системаси турларини мисоллар орқали изоҳлаш.
- Тил сатҳлари ўртасидаги муносабатни таҳлил қилиш. Бир сатҳга ва турли сатҳга мансуб бўлган birlikларга мисоллар келтириш. Тил сатҳларидаги “зидланиш” ва “изоморфизмлар”га оид машқлар бажариш. Фонологик, морфемик, лексик, морфологик, синтактик сатҳ ва birlikларни таҳлил қилиш. Сўз ясалиши бўйича матндан мисоллар топиш. Гап турларини таҳлил қилиб, машқлар бажариш.
- Тилшунослик тарихи босқичлари жадвалини яратиш. Тилшунослик тарихи намояндалари ва таълимотлари билан танишиш. Тилшунослик тарихидаги йўналиш ва мактаблар фаолиятини таҳлил қилиш. Тилшунос олимлар лингвистик таълимотларига изоҳ бера олиш.

Лаборатория ишларини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар

Фан бўйича лаборатория ишлари намунавий ўқув режада кўзда тутилмаган.

Курс ишларини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар

Фан бўйича курс иши намунавий ўқув режасида режалаштирилмаган.

Мустақил таълимни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Талабага “Тилшунослик” фанидан мустақил таълимни ташкил этишда ушбу фаннинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиш тавсия этилади ва жорий назорат сифатида баҳоланади:

- дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг боблари ва мавзуларини ўрганиш. Бундай иш натижалари семинар, коллоквиумларда индивидуал берилган топшириқлар орқали текширилади;
- мавзулар бўйича конспект (реферат, тақдимот) тайёрлаш. Назарий материални пухта ўзлаштиришга ёрдам берувчи бундай усул ўқув материалга диққатни кўпроқ жалб этишга ёрдам беради. Талаба конспекти турли назорат ишларига тайёргарлик ишларини осонлаштиради, вақтни тежайди;
- тарқатма материаллар бўйича маъруза қисмларини ўзлаштириш. Бунда ўқитувчи асосий материалнинг баён қилинишига алоҳида аҳамият бериши лозим бўлади. Бундай иш натижалари рейтинг назоратининг мувофиқ босқичларида текширилади;

- тилшунослик фанининг қоидаларини мустаҳкамлаш бўйича манбаларни ўрганиш, уларни таҳлил қилиш. Бу иш барча семестр давомида бажарилади ва рейтинг тизимида баҳоланади;
- фанлар бўйича адабиётларни ўрганиш ва таҳлил қилиш, қўшимча адабиётлар устида ишлаш ҳамда уларни ўрганиш. Бу иш ҳам семестр давомида амалга оширилади ва рейтинг тизимида баҳоланади;
- талабаларнинг илмий-тадқиқот ишларини бажариш билан боғлиқ ҳолда фаннинг муайян боблари ва мавзуларини чуқур ўрганиш;
- автоматлаштирилган ўргатувчи, назорат қилувчи тизимлар билан ишлаш. Бу маъруза машғулотлари доирасида ҳам, семинар машғулотларига тайёргарлик доирасида ҳам олиб борилади;
- масофавий таълим ёрдамида талаба маъруза ва семинар машғулотлари учун қўшимча маълумотлар билан таъминланади, шунингдек, талаба томонидан бажарилган индивидуал топшириқларни баҳолаш амалга оширилиши мумкин.
- мустақил ўрганиш учун берилган мавзулар бўйича талабалар тавсия этилган асосий адабиётлардан ташқари қўшимча ўқув, илмий адабиётлардан фойдаланадилар. Бунда рус ва хорижий тиллардаги адабиётлардан фойдаланиш рағбатлантирилади;
- илмий семинар ва анжуманларга тезис ва мақолалар тайёрлаш ва иштирок этиш.

Тавсия этиладиган мустақил таълим мавзулари

1. Тил алоқалари: билингвизм ва диглоссия
2. Тил алоқалари: интерференция
3. Инглиз тили ва Ҳинд-Европа оиласи
4. Лингвистик тадқиқот методлари
5. Тилшуносликда замонавий йўналишлар
6. Грамматикадаги тарихий ўзгаришлар (инглиз, немис, испан, француз, рус тиллари)
7. Фикр ифодалашнинг вербал ва новербал воситалари
8. Коммуникатив тилшунослик. Матн ва унинг турлари
9. Ёзув тараққиёти босқичлари
10. Дунёдаги алфавит турлари
11. Лингвистик типология бўйича назариялар
12. Сўз лингвистик белги сифатида
13. Тил концептосферасини ўрганиш
14. Дунё тилларида синтаксиснинг ўзига хос хусусиятлари
15. Аралаш тиллар: пижин ва креол тиллар
16. Тил - энг муҳим алоқа воситаси
17. Социолингвистика масалалари
18. Тилларнинг худудий бўлиниши. Ареал тасниф

19. Қиёсий-тарихий метод ва тилларнинг генеалогик таснифи
20. Турли тизимли тилларда сўз ясалиши

Дастурнинг ахборот-услугий таъминоти

Мазкур фанни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий усуллари, педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган. Жумладан:

- тилшунослик фани тарихи ва назариясини ёритишга бағишланган маърузаларда презентация (такдимот), мультимедиа ва электрон дидактик технологияларидан фойдаланилади;

- тил системаси ва унинг сатҳларига оид семинар машғулотларида ақлий ҳужум, кластер, блиц-сўров, инсерт, такдимот, кейс стади каби усул ва технологиялардан кенг фойдаланилади.

- тиллар таснифи, халқаро тилар мавзуларида ўтказиладиган машғулотларда кичик гуруҳлар мусобақалари, гуруҳли фикрлаш педагогик технологияларини қўллаш назарда тутилади.

Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати

Асосий адабиётлар

1. William B. McGregor Linguistics: An Introduction 2nd Edition Bloomsbury Academic London, 2015.
2. Mark Aronoff, Janie Rees-Miler. The Handbook of Linguistics, Blackwell Reference Online, 30 November 2007.
3. Keith Allan. The Oxford Handbook of the History of Linguistics, Oxford University Press London, 2013.
4. Ирискулов М.Т. Тилшуносликка кириш. - Т., 2009.
5. Yo'ldoshev I., Muhamedova S., Sharipova O', Madjidova R. Tilshunoslik asoslari. - Т., 2013.
6. Нурмонов А., Искандарова Ш. Умумий тилшунослик. - Т., 2007.
7. Расулов Р. Умумий тилшунослик. - Т., 2010.
8. Шарафутдинова Н.С. Теория и история лингвистической науки. - М., 2007.

Қўшимча адабиётлар

1. Нурмонов А., Йўлдошев Б. Тилшунослик ва табиий фанлар. - Т., 2001.
2. Сусов И.П. Введение в теоретическое языкознание. - Тверь, 1999.

3. Реформатский. А.А. Введение в языкознание. - М., 2006.
4. Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Морфология. - Т., 2001.
5. Попова З.Д., Стернин И.А. Общее языкознание. - М., 2007.

Интернет сайтлари

1. www.tdpii.uz
2. www.pedagog.uz
3. www.Ziyonet.uz
4. www.edu.uz
5. [tdpu-INTRANET. Ped](http://tdpu-INTRANET.Ped)
6. www.nutq.intal.ur
7. www.susov.ru
8. www.google.uz

